# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ

1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

МУАССИСЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» УЮШМАСИ

1997 йил 15 август. Жума №65 (5.836). Сотувда эркин нархда


*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори*

## 1997 ЙИЛДА ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМ МАВСУМИНИ ТАШКИЛИЙ РАВИШДА ЎТКАЗИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**1997 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишга ўз вақтида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, пахта маҳсулоти ҳажмларини кўпайтириш ва сифатини яхшилашда қишлоқ хўжалиги ходимларининг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:**

1. Пахта йиғим-терими мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш давомида пайдо бўлувчи масалаларни тезкорлик билан ҳал этиш учун республика комиссияси тузилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси ва «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси хўжаликларнинг йиғим-теримга тайёргарлигини пухта таҳлил қилсинлар ҳамда моддий-техника базанинг йиғим-теримга ва пахта тайёрлашга 1 сентябргача тайёрлаб қўйилишини ва йиғим-терим мавсумини юқори ташкилий даражада ўтказишни таъминловчи қўшимча чора-тадбирлар кўрсинлар.

3. Пахта толаси давлат хариди ҳажми Вазирлар Маҳкамасининг «1997 йилда пахта етиштириш ҳажмлари тўғрисида» 1996 йил 13 декабрдаги 441-сон қарорига мувофиқ белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жаҳон бозорида пахта толаси нархининг 80 фоизи даражасидан келиб чиқиб пахтани қайта ишлаш ва толани транспортда ташиш харажатларини ҳисобга олиб 1997 йил ҳосили пахта хом ашёсининг янги харид нархлари прейскурантини бир ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идораларга етказсин.

«Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси топширилган пахта хом ашёси учун хўжаликлар билан унинг қийматининг 90 фоизи ҳисобидан келиб чиқиб ҳисоб-китоб қилсин, узил-кесил ҳисоб-китоблар қайта ишлаш якунлари бўйича қилинади.

5. Ҳосилни йиғиштириб олишда моддий рағбатлантиришни кучайтириш учун хўжаликларга пахта теришда қуйидаги чегараланган миқдорларда ҳақ тўлаш тавсия этилсин:

Икки қаторли пахта териш машинасида терилган кондицион оғирлиги 1 тонна бўлган пахта учун — камида 90 сўм, тўрт қаторли машинада терилганда — 55 сўм.

Қўлда терилган 1 килограмм ўрта толали пахта учун — камида 3,5 сўм, ингичка толали пахта учун камида 4,5 сўм.

Йиғим-терим ишларида банд бўлганлар билан ҳар беш кунда ҳисоб-китоб қилинсин.

Хўжаликлар раҳбарларининг эътибори юқори сортли пахта териб олиниши учун теримчиларни рағбатлантиришни назарда тутган ҳолда йиғим-терим мавсумининг дастлабки кунларидан бошлаб пахта терими учун энг юқори ҳақ белгиланиши зарурлигига қаратилсин.

Пул-кредит сиёсати бўйича республика комиссияси (Муллажонов) агросаноат комплексида меҳнатга ҳақ тўлашнинг базавий даражасини мазкур бандга мувофиқ қайта кўриб чиқсин.

6. Марказий банк, «Пахтабанк», «Ўзсаноатқурилишбанк», «Ўзтадбиркорбанк», «Мевасабзавотбанк» теримчилар билан, шунингдек, пахтани юклаш, тушириш, тайёрлаш, транспортда ташиш ва жойлаштириш ва ишлов беришда, пахта териш техникасига техник хизмат кўрсатиш ва тузатиш билан банд бўлган ходимлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш учун хўжаликларни ва пахта тозалаш заводларининг тайёрлов пунктларини нақд пул билан таъминласинлар.

7. «Ўзкимёсаноат» уюшмаси (Юсупбеков), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Жуманиёзов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари хўжаликларга дефолиантлар етказиб берилишини ва ғўза баргини тўкиш тегишли ҳажмларда ва муддатларда ўтказилишини таъминласинлар.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси (Рўзметов) «Ўзагрокимётаъминот» давлат-акционерлик бирлашмасининг буюртманомалари бўйича ғўза баргини тўкиш учун зарур миқдорда самолётлар ва вертолётлар ажратсин.

8. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Жуманиёзов), «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси (Олимжонов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари:

Шу йилнинг 25 августига қадар, машиналарни тракторларга тиркаган ҳолда, пахта териш техникасини, юклаш-транспортда ташиш воситаларини тўлиқ тайёр ҳолга келтирсинлар, териш-транспорт отрядларини механизаторлар ва тузатиш-хизмат кўрсатиш ходимлари билан бутласинлар. Хўжаликларда ва тузатиш корхоналарида двигателлар, узеллар ва агрегатларни, бошқа зарур материалларни алмаштириш фондлари ташкил этсинлар. Ҳар бир пахта териш машинасини ишга қўйишнинг техникавий талабларига мувофиқ уларни тегишли далолатнома расмийлаштирилган ҳолда комиссиялар томонидан қабул қилинишини ташкил этсинлар.

Пахта териш машиналарини пахта йиғим-теримига белгиланган миқдорларда чиқарсинлар.

Пахта териш машиналаридан унумли фойдаланиш мақсадида уларни терим-транспорт отрядлари таркибида жамласинлар ва ишлашини ташкил этсинлар.

9. «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси (Матчонов) пахта йиғим-терими мавсуми бошланишига қадар қишлоқ хўжалигига 1000 та пахта териш машинаси, шу жумладан хўжалик синовларини ўтказиш учун 50 та горизонтал шпинделли пахта териш машинаси, шунингдек «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси ташкилотлари билан тузилган шартномаларга мувофиқ тракторлар, прицеплар, кўрак териш машиналари ва эҳтиёт қисмлар етказиб берилишини таъминласин.

«Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси (Олимжонов) пахта териш машиналарини сотиб олсин ва уларни асосан Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё вилоятлари машина-трактор парклари балансига қабул қилсин ҳамда уларнинг юқори унум билан ишлатилишини ташкил этсин.

10. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда Фарғона водийси вилоятлари ва Тошкент вилоятидан ҳосилни йиғиб-териб олишга пахта териш техникаси ва меҳнат ресурсларини сафарбар қилиш юзасидан шартномалар тузилишини ташкил этсинлар.

11. «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси (Матчонов) ва «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси (Олимжонов) пахта териш техникасини мавсумга тайёрлашни туғаллашда хўжаликларга техникавий ёрдам кўрсатиш ҳамда уларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш учун саноат корхоналарини вилоятларга бириктирсинлар.

12. «Ўздавнефтмаҳсулот» бирлашмаси (Тожиев) ёнилғи-мойлаш материаллари 1997 йил сентябрь-ноябрь ойларида хўжаликларга, машина-трактор паркларига ва пахта тозалаш корхоналарига йиғим-терим ишларини, тайёрлов пунктларида пахтага ишлов беришни, кузги шудгорлашни ва бошоқли дон экишни узлуксиз ўтказиш учун зарур бўлган ҳажмларда, улар қийматининг 15 фоизини олдиндан ундирмаган ҳолда, ҳисоб-китобларни пахта хом ашёсининг пахта тозалаш заводларига сотилишига қараб биринчи навбатда амалга ошириш шарти билан етказиб берилишини таъминласин.

13. Ўзбекбирлашув, «Ўзбексавдо» ва «Ёғмойтамакисаноат» уюшмалари, «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси жойларда кўчма савдо ташкил этиб қишлоқ аҳолисини ва пахта терими қатнашчиларини озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масалаларини ўз вақтида ҳал этсинлар.

14. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги пахта йиғим-теримида банд бўлган ходимларга тиббий хизмат кўрсатиш чора-тадбирларини белгиласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ҳосилни йиғиштириб олиш даврида теримчиларга маданий хизмат кўрсатишни ташкил этсин, санъат ва адабиёт усталарининг хўжаликларга боришларини назарда тутсин.

16. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 14 август.

**Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг олти йиллиги — улуғ байрамимиз**

## АКЦИЯДОР — МЎМАЙ ДАРОМАД СОҲИБИ

**Файзулла НУРМАТОВ,**
**«Оҳангарондон» очиқ ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси**



Корхонамиз азалдан ўзининг ишчи-хизматчиларга яратилган қулай шарт-шароити ва иқтисодий барқарорлиги билан тармоқда алоҳида салоҳиятга эга лиги кўпчиликка яхши маълум. Ислоҳотлар натижаси сифатида мулк шаклининг ўзгарганлиги сўнгги икки йил ичида иқтисодий ва ижтимоий имкониятларни янада кенгайтирди. Одамларнинг меҳнатга бўлган муносабатлари тубдан ўзгариб, давр талабларига мослашиб бормоқда. Бу ҳақда гап борар экан, мен аввал бошданоқ корхонани ҳиссадорлик жамиятига айлантиришида астойдил жон куйдирган илгариги раҳбариятнинг хизматини ҳам эҳтиром билан эслаб ўтмоқчиман. Сабаби бугунги салоҳият ислоҳотлар йўлидаги дастлабки саъй-ҳаракатларнинг ёрқин самараси эканлигини унутмаслик керак.

Маълумки, деҳқон ва ишчи ҳамкорлиги бугунги кунда бизнинг фаолиятимизда муҳим аҳамият касб этади. Мана шу йўналишда айни вақтда вилоятимизнинг 5 та туманидаги қарийб 28 та хўжалик билан мустаҳкам алоқа ўрнатган ҳолда шартнома асосида иш юритаяпмиз. Утган йили куздаёқ кўзланган ҳосилни етиштириб олишлари учун ғаллакорларимизни олдиндан 40 фоиз аванс билан таъминлаган эдик. Бу 65 миллион сўмни ташкил этди. Вақтида иқтисодий қўллаб-қувватланганлари боис ғаллакорларимиз бизга шартномада кўрсатилган 28 ўрнига қарийб 30 минг тоннадан зиёд ғалла етказиб бердилар. Бундан ташқари 50 та деҳқон-фермер хўжаликлари билан ҳам мустаҳкам алоқа ўрнатиб меҳнат қилаяпмиз. Ҳосилнинг 50 фоизини давлат нархида, қолган қисмини эса ўзаро келишилган нархларда қабул қилиб олаяпмиз. Ҳозиргача деҳқонларга ғалланинг 95 фоиз нархи тўлаб бўлинди.

Зиммамиздаги вазифа ўта масъулиятли. Аҳолини биринчи навбатдаги энг асосий эҳтиёжи ҳисобланган ун маҳсулотлари билан таъминлаб боришдан иборат. Биз буни дилдан ҳис этамиз. Айни вақтда корхонамизда бир неча турдаги ун маҳсулотлари ва буғдой ёрмаси ишлаб чиқарилмоқда. Бунинг учун лозим бўлган ҳамма шарт-шароит етарли. Мавжуд қувватлардан тўлиқ фойдаланилмоқда. Айниқса, ишлаб чиқаришда маҳсулот сифатини юқори бўлишига эришиш учун технологияни такомиллаштириш масаласи устида изланишлар олиб борилмоқда. Зеро, дастурхонимиз кўрки ҳисобланган нонни нечоғли хуштаъм бўлиши биринчи навбатда ун маҳсулотларининг сифатига боғлиқдир. Эскирган, талабга жавоб беролмайдиган технология билан аҳоли эҳтиёжига мос маҳсулот тайёрлаб бериш қийин. Шуни ҳисобга олиб яқинда 100 миллион сўмдан ортиқ техник жиҳозлар келтирилди. Улар босқичма-босқич ишлаб чиқаришга жорий этилади ва бу билан биз, албатта, сифат масаласида яна олға силжиймиз.

Шу билан биргаликда ўзаро иқтисодий ҳамкорлик доирасидаги фаолиятларимиз ҳам кенгайиб бормоқда. Яқинда Италия технологияси асосида макарон ишлаб чиқарш бўйича Россия-Британия қўшма корхонасини очиш бўйича зарур ҳужжатларни расмийлаштиришга киришдик. Жой ажратилди, дастлабки ишлар бошланди.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши албатта ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорликларини оширади. Утган йили ҳиссадорларимиз сотиб олган ҳар бир акциялари ҳисобидан 569 сўмдан дивиденд олишга эришдилар. Бу борадаги манфаатдорлик корхона бўйича 117 фоизга тўғри келди. Уртача ойлик иш ҳақи 4,5—5 минг сўм бўлгани ҳолда ҳиссадорларимиз маошдан ташқари дивиденд ҳисобида ўртача 45—50 минг сўмдан даромад олдилар.

Жорий йилнинг ўтган олти ойлигидаги иқтисодий кўрсаткичларимиз янада қувончли бўлди. Соф фойда 59 миллион сўмни ташкил этди. Ҳисоб-китобларимизга кўра, ҳар бир ҳиссадорнинг қўлидаги акцияларига қараб ўртача 57 фоиздан дивиденд олиши кутилмоқда. Даромад ортиб бораётгани сайин ишчи хизматчиларимизнинг ижтимоий турмушларини яхшилаш, меҳнат шароитини янада такомиллаштириш борасида ҳам муҳим тадбирларни амалга ошириш имконияти пайдо бўлмоқда. Айни вақтда корхона ҳисобидан ишчилар учун ҳар бири 5 хонадан иборат 15 та уй-жой қурилмоқда. Йил охирига қадар мазкур уйларнинг 10 таси фойдаланишга топширилади. Бундан ташқари жамоа қошида ёрдамчи хўжалик фаолият кўрсатмоқда. 500 бошдан зиёд турли чорва молларимиз бор. Ишчиларга қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва чорва маҳсулотлари арзонлаштирилган нархларда мунтазам бериб бориляпти. Ҳиссадорларимизни бепул дам олишлари ва саломатликларини сақлашлари учун шароит яратилган. Кўрсатилаётган ғамхўрликка жавобан астойдил тер тўкиб меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда. Икром Эгамбердиев, Галина Эм, Рафиқ Турғунбоев, Сирожиддин Салайдинов ва Рашид Бадриддинов сингари илғор ишчи-хизматчилар билан жамоамиз ҳаққли равишда фахрланадилар.

Корхонамиз меҳнат аҳли ҳукуматимиз қўяётган барча талабларни бажара бориб, аҳолини сифатли ун маҳсулотлари билан таъминлаш борасида янада ғайрат билан меҳнат қилаверадилар.

## ФЕРМЕР ОРЗУСИ

1997. 15 август. №65.

Сирдарё туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида 21 та деҳқон-фермер хўжалиги мавжуд. Шундан 6 таси пахтачилик соҳасида фаолият юритмоқда. Улардан бири Саддинисо номли бўлиб, унга Турсунбой ҳожи Абулқосимов бошчилик қилаяпти. У тадбиркор, ишбилармон. Шу боис унинг номини кўпчилик ҳурмат билан тилга олишади. У етакчилик қилаётган жамоа ҳар йили режани ошириб бажариб, соҳадан мўмай даромад олаяпти.

Турсунбой ҳожининг оила аъзолари ҳамжиҳатликда ишлаб, бу йил 9 гектар майдонда пахта, 1 гектар ерда сабзавот етиштиришаяпти. Фермерлар шу кунга қадар ғўзаларни беш марта комплекс ишловдан чиқариб, уч марта оби-ҳаётга қондиришди. Дала юмушларини сифатли амалга оширишда Уммат Аширалиев, Икром Абдуқодиров, Олим Сулаймонов, Салим Отажонов, Муҳтарам Абдуқосимова, Санобар Отажонова, Алижон Абдуқосимовлар фидойилик кўрсатишмоқда. Улар ҳар бир ниҳолни қалб кўри, меҳр зиёси билан парваришлашаётганликлари туфайли ғўзалар кун сайин гуркираб ўсиб, барча пайкалларда мўл ҳосил тўпланмоқда. Шунингдек, деҳқон-фермерлар йиғим-терим мавсумига ҳам пухта тайёргарлик кўришаяпти.

— Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг ярим йиллик якунларига бағишланган йиғилишида сўзлаган нутқида Инсон манфаатлари йилида амалга оширилган ишлар ва олдимизда турган вазифаларни батафсил кўрсатиб бердилар. Ҳар бир касб соҳиби ўз ишига ҳалол ёндошиб, ислоҳотлар ривожига кўпроқ ҳисса қўшса турмушимиз янада фаровонлашиб бораверади, — дейди биз билан суҳбатда деҳқон-фермер хўжалиги етакчиси. — Ҳамжиҳатлик бор жойда барака бўлади. Ҳозир ғўзаларнинг ҳар тупида 8-9 тадан бўлиқ кўсак бор. Фермерлар учун ўн гектар ер камлик қилаяпти, уни 30 гектарга етказилса, нафақат пахта, ғалла, боғдорчилик соҳаларини ҳам ривожлантиришга имконият яратиларди.

Шу кунларда деҳқон-фермерлар ғўзалар парваришини бир зум ҳам сусайтирмай, мўл ҳосилга мустаҳкам замин яратмоқдалар.

**Эркин ТЎЛАГАНОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

*Мамлакатимиз жўшқин ҳаёти*

## «НАВРЎЗ»ДА ЯНГИ ТИББИЁТ ПУНКТИ

**Навбаҳор туманидаги «Наврўз» жамоа хўжалиги ҳудудида янги тиббиёт пункти ишга тушди. Уни Навоий вилоят жамоалараро қурилиш трестининг 213-механизациялашган кўчма жамланмаси бинокорлари бунёд этишди. Улар шифо масканини бор-йўғи икки ярим ой ичида қуриб битказишди.**

**Пунктда қишлоқ аҳолисининг малакали тиббий ёрдам олиши учун барча шарт-шароит бор. Муҳими, эндиликда наврўзликлар тиббий ёрдам олиши учун 30-35 чақирим йўл босиб марказга овора бўлишмайди.**

## НУРЧИЛАРНИНГ СПОРТ МАЖМУИ

Бухоро нурчилари мустақилликнинг олти йиллиги байрамига муносиб совға билан келишди. Улар яқинда вилоят марказида ўзлари учун янги спорт мажмуини ишга туширишди.

Спорт мажмуи ўтган йилнинг охирида лойиҳалаштирилган эди. Лекин «Бухороқурилиш» ҳиссадорлик жамияти қурувчилари бу ерда қисқа вақт ичида нафақат қурилиш-тиклаш юмушларини ниҳоясига етказишди, балки пардозлаш ишларини ҳам қойил-мақом қилиб бажаришди.

Янги иншоотнинг фойдаланиш майдони 900 квадрат метрни ташкил этди.

## ЯНГИ ҲОСИЛГА ТАЙЁРГАРЛИК

**«Хоразмпахтасаноатсотиш» ҳиссадорлик жамиятига қарашли Янгиариқ пахта тозалаш заводи янги пахта ҳосилини қабул қилиб олишга тайргарликни ниҳоясига етказмоқда. Бу ерда транспортёрлар, линтер, джинлар, қайта ишлаш ускуналари олдиндан тайёрлаб қўйилди. Иш самарадорлигини ошириш, ишчи-хизматчиларнинг меҳнат шароитини яхшилаш мақсадида ишлаб чиқариш цехларида қўшимча чанг ютгичлар ва муҳофаза воситалари ўрнатилди. Қуритиш-тозалаш цехи тўла таъмирланди. Натижада унинг ёрдамида кечаю кундуз бошқа ускуналарга сифатли хом ашё етказиб бериш имкони туғилди.**

**— Бу йилги мавсумда 30 минг тонна пахтани қабул қилиб, қайта ишлашимиз керак, — дейди корхона раҳбари Қуронбой Раимов.**

**Корхонани кечалари ҳам узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида электр ускуналари, ёнғинга қарши инвентарлар тўла таъмирланди.**

## АФЗАЛЛИГИ КЎП

Учқудуқ кончилари Германия фирмаларининг бири билан ҳамкорлик ўрнатишган. Бунинг натижасида яқинда кончилар тўртта фирмадан экскаватор олишди. Уларнинг афзалликлари бири шундаки, 250-300 метр чуқурликда кечаю-кундуз тинимсиз ишлай олади. Иш унуми икки баравар ортади. Шу боис кончилар йил охиригача шундай экскаваторлардан яна олтитасини олишга аҳд қилишди.

**Ғ. ЮСУПОВ.**

# ДУНЁНИ ЎЙЛАР

## Истиқлол деҳқонга нима берди?

## «СЕРҲАРАКАТ» — СЕРБАРАКАТ

Экинзорларимизнинг 95 фоизи насослар орқали сув ичади. Бунга жуда кўп маблағ кетади. Сарф-харажатни қоплаб соф даромадни кўпайтириш учун зўр омилкорлик, қатъиятлик, фидойилик кўрсатиб ишлашимиз керак. Бунинг учун деҳқоннинг кайфияти чоғ, одими шаҳдам бўлиши керак. Ҳамма нарса биринчи навбатда унинг топиш-тутишига боғлиқ. Миришкор тирикчилиги яхши ўтса меҳнатини аямайди. Буни ҳамиша эсда тутамиз. 400 гектар ер томорқалар учун ажратилган. Одамларга керакли миқдорда уруғлик, ўғит, техника ажратаяпмиз. Улар ортиқча неъматни бозорларда сотишлари учун ҳам шароит яратилган. Томорқадан олинаётган даромад оилалар бюджетини мустаҳкамлади. Шу аснода бошқа соҳаларни аста-секин оёққа қўябошладик.

Ғаллачиликка алоҳида эътибор берилди. Бу йил 484 гектар суғориладиган ерда бошоқли дон етиштирилди. Гектаридан қарийб 40 центнердан дон йиғиштириб олишга эришилди. Давлатта 1400 тонна ғалла топширилди. Асосий майдонлардаги эл насибаси беш иш кунида ўриб-янчиб олинди. Иккита «Кейс»нинг ҳар бири кунига 30 гектаргача майдондаги ғаллани ўриб-янчиб берди.

Андижон технологиясини қўллаб роса ютдик. **20 июндаёқ ғўзаларимизда кўсак пайдо бўлди. Мамаражаб Тожиев, Эшмамат Элмонов, Йўлдош Носиров каби саркорлар бошлиқ жамоалар истиқлолимизнинг олти йиллиги шарафига ҳосилдорликни гектарига 10 центнерга оширамиз деб туришибди.** Янгилик шарофати туфайли пахта ҳосили асосан сентябрь ойида йиғиштириб олинади. Демак, юқори нав маҳсулот кўпаяди.

350 гектар майдонда плёнка остига чигит экилганди. Шу кунларда пайкал ораласангиз бирин-кетин очилаётган пахталарни кўриб завқингиз келади. Аксарият шийпонлар деҳқон оромгоҳига айланган. Маданий тадбирлар асосан шу ерда ўтказилаяпти. Меҳнатчиларга совғаларимиз кўп. Хусусан, иккита янги мактаб ишга тушди. Мақтанса арзигулик маиший хизмат уйи қуриб битказилмоқда. Қишлоқ врачлик амбулаторияси тез суръатлар билан бунёд этилмоқда. Тегирмонлар гурилламоқда. Боғларимиз болга тўлган. Дастурхонларимиздан мева-чева аримайди. Бирон бир тадбир ўтказаётган хонадонларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмоқда. Ишларимиз баракали бўлаётганлиги, истиқлолимизнинг катта тўйини ёруғ юз билан қаршилаётганлигимизнинг бош омили одамлар ўртасидаги ҳамкору ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибатнинг кучлигидир.

**Шоймардон АСАДОВ,**
**Узун туманидаги «Серҳаракат» жамоа хўжалиги раиси.**

## КАМОЛОТ

### Ўзбекистон олими Нью-Йорк Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси бўлди

***Бу бахтга мушарраф бўлган инсон Тошкент давлат аграр университетининг «Агробизнес ва менеджмент» кафедраси мудири, академик, иқтисод фанлари доктори Саидасрор Ғуломов. Қуйида унинг дил сўзлари баён этилган.***

— Бу муваффақиятни истиқлол шарофати деб биламан. Нью-Йорк Фанлар академияси 150 миллий академияларнинг 47 мингга яқин аъзосини бирлаштирган. У умуминсоний муаммоларни ҳал этишда бағоят ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Не бахтки, бизнинг ёш мустақил республикамизга нафақат АҚШда, балки жаҳоннинг бошқа мамлакатларида ҳам қизиқиш катта. Ифтихор билан таъкидлайманки, Ўзбекистон олимлари эришаётган ютуқларга хорижлик ҳамкасблар юқори баҳо беришмоқда. Хориж билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш нақадар катта аҳамият касб этаётганлигини барчамиз чуқур ҳис қилиб турибмиз. Мамлакатимизда аграр тизимни ривожлантириш учун беқиёс ғамхўрликлар кўрсатилмоқда. Мақсадга эришишда хориж деҳқончилиги тажрибаси, етук олимларнинг йўл-йўриқ ва маслаҳатлари ниҳоятда асқотади. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш концепциялари, янги иқтисодий моделларни яратишда катта ишлар қилиниши кутилмоқда.

Чет эллик олим ва мутахассислар Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уларни ривожлантириш борасидаги ишларга хайрихоҳлик билдирмоқдалар. Ҳозирги пайтда республикамизда фермер хўжаликлари сони 20 мингтага етди. Тадбиркорларни замонавий техника ва технология билан таъминлаш борасида ҳали улардан қарздормиз. Биздаги соғлом муҳит, олимларимиз фаолиятининг самаралари жаҳон миқёсида тан олиниши серқуёш диёрга бўлган эътиборни янада кучайтирди. Шу аснода ҳамкору ҳамжиҳатлик кенгайиб бормоқда. Хусусан, университетимизда қатор долзарб йўналишлар бўйича йирик илмий-тадқиқот ишлари олиб борилияпти. Жаҳон банкининг Иқтисодий Ривожланиш институти (ЖБ ИРИ), АҚШнинг «Кемоникс интернешнл», Канаданинг «Агритим» ҳамда Япониянинг «Ниппон» фирмалари билан хайрли ишларга қўл урилган. Асосий эътибор қишлоқ хўжалиги ходимларининг бозор иқтисодиёти шароитида муваффақиятли ишлашларини таъминлашга қаратилган. Университет қошида ЖБ ИРИнинг ҳудудий маркази ташкил этилган бўлиб, бу ерда бозор иқтисодиёти асослари, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш, бизнес режалар тузиш каби мавзуларга бағишланган халқаро семинарлар ўтказилмоқда.

Шу йилнинг июнь-июль ойларида Евраазия жамғармасининг ташаббуси билан шундай тадбирлардан бири Бухорода бўлиб ўтди. «Инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш, таҳлил этиш ҳамда экспертиза қилишнинг халқаро тажрибалари» мавзуидаги семинар катта наф келтирди.

## УЙЛАР МУБОРАК!

Шеробод шароитида деҳқончилик қилишнинг ўзи бўлмайди. Бироқ омилкорлик билан иш юритилса, барча соҳада юқори натижага эришиш мумкин. Бахтга қарши қатор хўжаликларда иш юришмаяпти. Боқимандалик балоси тараққиётга туғаноқ бўлаяпти, деган фикрдаман. Бозор шароитида тадбиркорлик, ташаббускорлик кўрсатолмай баҳоналарни рўкач қилганлар синади.

Хўжалигимизда дастлаб шароит, эришилаётган натижалар кўнгилдагидек эмасди. Етакчи мутахассислар, отахонлар билан очиқчасига фикрлашдик. Охири хўжаликни ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантиришга қарор қилинди. Пайчиликнинг аҳамияти, моддий манфаатдорликка эришиш омиллари одамларга ётиғи билан тушунтирилди. Вақт ўтиши билан кишиларнинг дунёқараши, ишга бўлган муносабати тубдан ўзгарди. Ердан, сувдан, ўғитдан унумли фойдаланишни ўргандик. Ишнинг оғирини елкасига олган, фикр доираси кенг дарғалар ҳақида миннатдорчилик ила гапираман.

Юсуф Тоғайназаров ишлаб чиқаришда бой тажриба тўплаган, мўл, арзон ва сифатли пахта етиштиришнинг ўзига хос тажриба мактабини яратган ширкат раҳбарларидан бири. Биринчи йилиёқ янгича шароитда ишлашнинг афзаллигини намоён этди. Жамоада ижро интизоми мустаҳкамланди. Ҳар бир имкониятдан унумли фойдаланди. Натижада ўтган йили гектаридан 38 центнер ўрнига 47 центнердан пахта ҳосили олинди. Хўш, нима сабабдан Яраш Шарипов, Райим Бобоқулов, Урмон Чориев бошлиқ жамоаларда ҳосилдорлик гектарига 8-10 центнерга кўтарилди. Гап шундаки, омилкор раҳбарлар қўл остидагилар ҳақида алоҳида қайғуришади. Уларнинг яшаш шароити, орзу-интилишлари билан қизиқиб боришади. Лозим бўлганида заршуносга амалий ёрдам, мадад кўрсатилади. Масалан, дала шийпонида ўтказилган йиғилишлардан бирида қўшимча уй-жой қуриш масаласи ўртага қўйилди. Хўжалик иқтисодий жиҳатдан ўзини тутиб олганлиги учун бемалол ёрдам қўлини чўзишимиз мумкин эди. Бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Қисқа вақт ичида 200 га яқин шахсий уй-жойлар қурилди. Моҳир миришкорлар Жума Усмонов, Эргаш Дўсанов ҳам ҳовли тўйлари ўтказишди.

Пайчилик катта даромад манбаи экан. Пешона тери эвазига топилган маблағ хайрли ишларга сарфланмоқда. Қишлоқларимиз газлашган. Ичимлик сувидан қийинчилик йўқ. Замонавий 6 та мактабда ёшлар таълим-тарбия олишмоқда. Клуб, кинотеатрлар, истироҳат боғи ҳавас қилса арзигулик. Истиқлолимизнинг олти йиллик тўйига муносиб меҳнат совғаси тайёрладик. Давлатга дон топшириш буюртмаси зиёдаси билан адо этилди. Пиллачилик, чорвачилик ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Асосий тармоқ пахтачиликда бу йил ҳам юқори кўрсаткичга эришамиз, деб турибмиз. Андижон технологияси асосида парваришланаётган ғўзалар бўлиқ, серҳосил бўлиб ўсмоқда. Насиб қилса, асосий ҳосилни барвақт йиғиштириб оламиз.

**Шоди БЕККЕЛДИЕВ,**
**Шеробод туманидаги Нуриддин Муродов номли ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси.**

***Иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга ошира борганимиз туфайли, биз инсон манфаатларини таъминлаш Дастурининг муҳим вазифаларини бажаришга эришдик.***

**(Республика Вазирлар Маҳкамаси мажлиси ҳужжатларидан).**

## ОЛИС ҚИРЛАР ОРТИДА

**Собиқ шўро даврида биз чўпонларнинг қўйни-қўнжини роса пуч ёнғоққа тўлғазишди. Йиллар мобайнида сурув-сурув қўй боқиб, очиғи, биримиз икки бўлмади. Аммо шиорбозлик, дабдабабозлик кучли эди. Яйлов дарғалари ҳақида ҳужжатли фильмлар, бадиий асарлар яратилди. Бироқ ҳаётимизда, қишлоқларимизда ўзгариш сезилмасди. Боз устига кўзбўямачилик авжига чиқди. Ҳар юз совлиқдан 180 тагача қўзи оламан, дегувчилар ҳам топилди. Тирикчилигимиз, орзу-ҳавасимиз ихтиёримиздаги беш-ўнта қўй ҳисобидан бўларди.**

**Мустақиллик хўжалигимиз чорвадорларига том маънода бахт-иқбол олиб келди. Яхши ишлаб, яхши даромад қилиш учун шароит яратилди. Чорвадор сўзда эмас, амалда эъзозини топди. Президент ҳаётбахш фармонлари, республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашнинг мустаҳкам таянчига айланган. Чўпон эндиликда катта имтиёзларга эга.**

**Олис қирлар ортидаги яйловларда хўжаликнинг 21 минг бош қўй-қўзиси яйратиб боқилмоқда. Ёғингарчилик кўп бўлганлиги туфайли жониворлар учун зарур бўлган озуқабоп ўсимликлар сероб. Иқбол Жўраев, Маъмур Акромов, Ҳалим Раҳмонов, Юсуф Янгиев каби тажрибали чўпонлар сурувга сурув қўшишда алоҳида жонбозлик кўрсатишмоқда. Хўжалигимизда бу йил ҳар 100 совлиқдан юздан ошириб дуркун қўзи олинди. Уларнинг кўпи ўстиришга қолдирилди.**

**Хўжаликда инсон омилига алоҳида эътибор берилаётганлиги, иқтисодий ислоҳотлар изчил амалга оширилаётганлиги соҳа кишиларнинг ғайрат-шижоатини жўш урдираяпти. Эл бойлиги сурувга-сурув қўшилмоқда. Ихтиёримиздаги қўйлар, туялар, отларни яхши парваришлаш билан бирга қишловга ҳам пухта тайёргарлик кўраяпмиз. Табиий пичан жамғаришга 800 киши жалб этилган. Озуқа экинларидан яхши ҳосил олинаяпти. Бедачиликка бўлган муносабат ўзгарди. Ўзбекистон мустақиллигининг олти йиллик катта тўйига муносиб меҳнат совғалари билан келаяпмиз. Давлатга гўшт, жун топшириш режалари муваффақиятли уддаланяпти.**

**Баҳодир РАЖАБОВ,**
**Жондор туманидаги Амир Темур номли жамоа хўжалиги бош зоотехниги.**

## ЗУХРАХОНГА ХОРИЖ ТАН БЕРДИ

**1996 йил. Тошкентда БМТ ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари ҳунармандларининг кўрик-савдо ярмаркаси ўтказилди. Бу айниқса хорижликларда катта қизиқиш уйғотди. Чет эллик меҳмонлар Шофиркондаги «Зуҳра» ишлаб чиқариш фирмаси чеварлари томонидан тикилган сержило, кўркам ўзбек миллий буюмларига юқори баҳо бердилар. Шундан сўнг фирманинг тадбиркор раҳбари Зуҳрахон Облобердиева номи алоҳида ҳурмат билан тилга олина бошлади. Маълум бўлишича, чеварлар устози каштадўзликнинг нозик сирларини ёшлигида онасидан ўрганган экан. Вақт ўтиши билан бу бебаҳо касбга меҳр уни Тошкент давлат педагогика институтининг бадиий графика куллиётига бошлаб келди. Олий билимгоҳда у яхши мутахассис бўлиб етишди. Ранглар жилоси, уларнинг ҳамоҳанглигини таъминлаш борасида Зуҳрахоннинг олдига тушадигани кам топиладиган бўлиб қолди.**

**Туман раҳбарияти тадбиркорни ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. Пировард натижада «Зуҳра» ишлаб чиқариш фирмаси иш бошлади. Унга 30 нафар қишлоқ хотин-қизлари жалб этилдилар. Зуҳра Облобердиева зўр иштиёқ билан ишга киришди. Каштадўзлик тарихини яхшилаб ўрганди, узоқ йиллик усулларини қайта тиклаб унга янги жозиба, нозокат бахш этди. Фирмага ташриф буюрган хорижлик мутахассислар, меҳмонлар сўз билан ифодалаш қийин бўлган ниҳоят даражада жозибали миллий буюмларни кўриб ҳайратдан ёқа ушлаганликларини яширмадилар.**

**Зуҳрахоннинг ўзига хос мактаби бор. У шафтоли данаги пўчоғидан, ёнғоқ мевасидан, анор, ўсма, ўрик кўчати пўстлоғидан ўта нафис, ишнинг муваффақиятини таъминлаётган ажойиб ранглар олишни йўлга қўйган. Унинг шогирдлари кун сайин кўпайиб бораяпти. Яқинда Бобур номли хўжаликнинг сўлим қишлоғида «Зуҳра» фирмасининг янги цехи иш бошлади.**

**Мурод ҳожи ШЕРБОЕВ,**
**меъмор.**



### *МУСТАҚИЛЛИК БИНОЛАРИ*

**Мамлакатимиз пойтахти азим Тошкент шаҳри мустақиллик йилларида чунонам гўзаллашиб, таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Замонавий осмонўпар бинолар, бежирим турар-жой бинолари, маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари шаҳар кўркига-кўрк қўшди. Айниқса «Тошуйжойжамғармабанк» сертификатлари бўйича уй-жой қуриш тажрибаси асосида қанчадан-қанча шинам уйлар бунёд этилганлиги фуқаролар қалбидаги фахр ва миннатдорчилик ҳис-туйғуларини янада жўш урдирди. Бу ажойиб тажрибани барча вилоят марказлари ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларга ёйиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳам бежиз эмас. Демак, бунёдкорлик ишлари янада кенгаяди.**

**СУРАТДА: пойтахтимиз кўркига-кўрк қўшган «Интерконтинентал» меҳмонхонасининг умумий кўриниши.**

**Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

## ЧЎЛГА ЧАМАН СОЧГАНЛАР

Баҳористон тумани Қарши чўлининг энг четида, вилоятнинг Бухоро ва Туркманистон билан туташ ерида жойлашган. Чўл жазирамасига дош бериб, неъмат етиштираётган кишиларнинг фазилати, ватанпарварлиги ҳақида яйраб гапираман. Ундан ортиқ миллат вакиллари ҳамкору ҳамжиҳат яшаб, масъулиятли вазифаларнинг уддасидан чиқишмоқда. Худди шу фидойилик, ташаббускорлик ҳамда истиқлол шарофати туфвйли туманда нефть ва газ саноати тез суръатлар билан ривожланмоқда. Қишлоқ хўжалигидаги ортиқча ишчи кучлари бирин-кетин саноатга, хизмат соҳасига кўчирилмоқда.

Помуқлик чорвадор Нурмамат Рустамов, Чўлмурод Барноевлар меҳнатдан бахт топган табаррук инсонлардир. Тўю-тантаналар уларсиз ўтмайди. Тожик фарзанди Адаш Ҳамроев ҳам чўлга келиб кам бўлмади. Туркман оиласи билан дўстлашди, улар билан қуда-қудағай бўлиб кетди. «Дўстлик» хўжалиги раиси Азиз Чўлиев ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз. Доно раҳбар дунё ташвишлари билан яшайди. Мустақилликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш, меҳнатчиларнинг яхши яшашларини таъминлаш, барқарор муҳитни таъмин этиш унинг бирдан-бир орзуси. Раиснинг ниятлари рўёбга чиқмоқда. Қамашининг Қизилсойидан келган Турсуной Жумаева эса ажойиб пахтакор сифатида танилди.

— 70-йилда эришолмаган орзуларимиз истиқлол туфайли уч йилда рўёбга чиқди, — дейди Жумаева шодон кайфиятда. — Чандир, Наистон қишлоқлари чирой очмоқда. Узбек, туркман, тожик ва бошқа миллат вакиллари шу қутлуғ заминни имкон қадар эъзозлашмоқда.

Ҳозирги шароитда раҳбар фаолияти у иқтисодий ислоҳотларни қандай амалга ошираётганлиги, қишлоқ инфратизимини ривожлантириш юзасидан белгиланган тадбирларни қай даражада амалга ошираётганлигига қараб баҳоланади. Буни барча етакчилар қалбдан ҳис қилишаяпти. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоиз: улар чўлда яшаяпмиз, муаммолар кўп қабилидаги баҳоналарни йиғиштириб қўйишган. Собиқ шўро даврида чўлқуварларимиз пахтанинг қули бўлиб яшашди. Қишлоқларимиздан йирик газ қувурлари ўтган бўлса-да, зангори оловга зор эдик. Мустақиллик йилларидагина баҳористонликлар кўксига шамол тегди. Газ, сув қувурлари тортилди. Хонадонларга табиий газ келди. Бироқ ҳали бу борадаги ишларни изчил давом эттириш керак.

Қувончли ўзгаришларга эътибор қилинг, туман марказида 1464 номерли алоқа боғламаси биноси, ажойиб деҳқон бозори, супермаркет, чойхона, марказий стадион, теннис корти, бошқа маданий муассасалар ишга туширилди. Ҳозирда эса пахтабанк, туғруқхона, қатор маъмурий бинолар қурилишни ниҳоясига етказилаяпти. Ҳиссадорлик жамиятларида акциялар чиқарилмоқда. Улар ҳисобидан тарқатилаётган дивидендлар одамларга мададкор бўлаяпти.

Физкультура ва спортни ривожлантириш юзасидан ҳам кенг миқёсли тадбирлар амалга оширилаяпти. «Кўкдумалоқ» футбол жамоамиз бор. Халқ таълимига қарашли спорт мактабида кураш, теннис, каратэ, волейбол, футбол турлари бўйича ёшлар машғулотлар олиб боришмоқда. Буларнинг ҳаммаси соғлом ва баркамол авлодни камол топтиришда муҳим роль ўйнамоқда. Энг муҳими, чўлқуварлар мустақиллик қанчалик бебаҳо бахт эканлигини қалбдан ҳис этмоқдалар. Узларига кўрсатилаётган меҳрибонликка жавобан кун сайин омилкорлик, ташаббускорлик кўрсатиб ишламоқдалар.

Туман ҳокимлиги Узбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нутиқида баён этилган танқидий фикр, таклиф-мулоҳазаларни ўзлари учун ҳам айнан тегишли деб билиб, фаолиятни янгича талаблар асосига такомиллаштириб бормоқда. Эндиликда кичик бизнес билан боғлиқ муаммоларга алоҳида эътибор қаратилган.

**Исмоил АМИРҚУЛОВ,**
**ёзувчи.**

***Оллоҳга шукрки, Истиқлол қадоққўл деҳқонга чексиз ғурур бахш этди, ҳақиқий бахт эшигини очди, унинг асрий орзуларини рўёбга чиқармоқда. Эндиликда миришкор ўз ерининг, ўз мамлакатининг асл соҳиби — катта мулкдор, оқил тадбиркор, фидойи ташаббускор фермер сифатида улуғ ишларга қўл уриб, ўз ҳаётини кун сайин фаровон этиб бормоқда. Не бахтки, шу Истиқлол шарофати билан 70 йилда амалга ошмаган ишлар икки-уч йилда рўёбга чиқяпти. Ҳавас қилинг, ўтган олти ой мобайнида мамлакатимизнинг қишлоқ жойларида қарийб уч миллион квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди. 2,3 минг километр газ, 633 километр сув узатиш тармоқлари ишга туширилди, қишлоқлар кўрку чирой очяпти. Мустақилликнинг яна бир ширин меваси — қўшма корхоналар кўпайди, улар ҳур Ўзбекистонни жаҳон билан боғлаш, маҳсулотларни хорижга йўллашда беқиёс аҳамият касб этмоқда. Бу улуғвор бунёдкорликлар тепасида Ватан ишқи билан ёнган, дунёни ўйлаётган, халқнинг муқаддас ташвишлари билан яшаётган фидойи, меҳрибон, одил, асл ватанпарвар инсонлар турушибди. Зеро, элим, юртим деб ёниб, жўшаётганларнинг икки дунёси обод бўлғай.***

**Неъмат ЁҚУБОВ,**
**Мирғиёс ҚАЮМОВ.**

